



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА БИРЛАМЧИ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Чинбердиев Пўлатжон Лочинбоевич- Андижон вилояти, Олтинқўл тумани “Орс” маҳалла фуқаролари йигинида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси

Аннотация: Ушбу мақолада фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва бирламчи назоратни ташкил этиш ва юритишнинг хусусиятли томонлари кўриб чиқилган.

Аннотация: В данной статье рассматриваются специфические аспекты организации и ведения учета и первичного контроля в фермерских хозяйствах.

Abstract: This article farms, accounting and control of the primary consideration by the nature of the organization and proceedings.

Калит сўзлар: фермер хўжалиги, ҳисоб, назорат, молиявий натижа, таннарх, рентабеллик.

Ключевые слова: хозяйство, учет, контроль, финансовый результат, себестоимость, рентабельность.

Key words: economy, accounting, control, financial result, prime cost, profitability.

Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу масаланинг ечими дунё амалиётида бевосита қишлоқ хўжалиги ва уни ривожланишига боғлиқ. Дунёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига озиқ-овқат етказиш билан бирга саноатнинг етакчи тармоқларини ҳам хом-ашё билан таъминлаб туради. Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунё ялпи ички маҳсулотига қишлоқ хўжалик секторининг улуши ўртача 10 % атрофида бўлиб, турли мамлакатлар бўйича ҳисобга олинганда 0,03 фоиздан (Сингапур) 55 фоизгача (Сьерра Леоне) ораликни ўз ичига олади¹. Мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигига ихтисослашуви, иқлим шароити ва бошқа бир қанча ўзига хос хусусиятлар турли давлатларда турлича кўрсаткичларни кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалиги сектори қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда ҳам асосий ўринни эгаллайди.

2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини янада кўллаб-қувватлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, пировард натижада ер эгаларининг даромадларини кўпайтиришга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш мақсадида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан фойдаланиш

¹ https://ru.theglobaleconomy.com/rankings/share_of_agriculture/



самарадорлигини оширишнинг hozirgi bosqichdagi ustuvor йўналишлари этиб белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда фермер хўжаликларига яратиб берилётган имкониятлардан тўғри фойдаланган фермерлар фақат деҳқончилик билан шуғулланиб қолмасдан, балки, чорвачилик, маҳсулотни қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа соҳалар билан ҳам шуғулланмоқдалар. Демак, бундай хўжаликларда хўжалик фаолияти натижалари кўрсаткичлари ҳам турлича ифодаланади. Шу жиҳатдан уларда ҳисоб ва бирламчи назоратни ташкил этиш ва юритиш ҳам тубдан фарқ қилиши табиий. Бу ҳолатлар фермер хўжаликларини ишлаб чиқариш ҳажми ва кўлами бўйича гуруҳларга ажратиб табақалаштириш заруратини туғдиради. Чунки, фермер хўжаликларида умумий натижа самарадорли бўлгани билан, унга таъсир этувчи омилларнинг айримлари самарасиз бўлиши мумкин. Шунини инобатга олиб фермерлар ўз фаолиятларини баҳолашда ҳар бир тармоққа алоҳида эътибор қаратишлари зарур. Бу эса бухгалтерия ҳисоби олдида бир қатор вазифаларни юклайди.

Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритиш шаклларида бири бўлган фермер хўжаликлари республикамиз иқтисодиётини ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар хўжалик юритишнинг шахсий манфаатдорлик, ташаббускорлик, мулкка эгаллик қилиш, мулккий жавобгарлик тамойилларига таяниб, тармоқда мулк шаклларида тенг ҳуқуқли ва соғлом рақобат муҳити асосида ўз фаолиятларини ташкил этиши натижасида фойда кўрсаткичларини яхшиланишига эришмоқдалар. Бу ўз навбатида, республика иқтисодиётини ривожланишига ўз хиссасини қўшмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда хўжалик юритишнинг фермерлик шакли янгича иш юритиш шакли бўлиб, унга мустақиллик йилларида асос солинди. Хўжалик аъзоларида ерга, мулкка ва етиштириляётган маҳсулотга бўлган эгаллик ҳиссини мужассамланиши, фермерлик ҳаракатини самарадорлигини оширмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий ахборот умумий ҳажмининг 70-80 фоизи бухгалтерия ахборотининг улушига тўғри келади². Мутахассисларнинг фикрига кўра, яқин вақтга қадар бошқарув қарорлари учун бухгалтерия ахборотидан фойдаланиш коэффициенти 20-30 фоизни ташкил қилар эди.³

Биз ўтказган тадқиқотлар натижаларига кўра, қишлоқ хўжалигида ушбу кўрсаткич янада пастлиги аниқланди. Юзага келган вазият бошқарув тизимининг бухгалтерия ахбороти билан сифатли таъминланмаслиги, шунингдек бошқарув усуллари тизими ривожланишининг паст даражаси ва тадбиркорлик тузилмалари раҳбарлари ҳамда ушбу хўжаликлардаги ёлланма мутахассислар малакаси даражасининг пастлиги натижасидир.

Фермер хўжаликларида яқуний молиявий натижа, яъни, фойдани эркин тасарруф этилиши, улар фаолиятида ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлигини, ишлаб чиқаришни бошқаришда хўжасизликни бартараф этилиши ва ишбилармонликни ривожлантирилиши ҳамда илмий-техника тараққиёт ютуқларидан кенг фойдаланишни талаб этмоқда.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари фақат деҳқончилик билан шуғулланиб қолмасдан,

² Алборов Р.А. Управленческие аспекты бухгалтерского учета и контро-ля в сельском хозяйстве / Р.А. Алборов, И.П. Селезнева, И.А. Селезнева. - Ижевск: Шеп ("Колос"), 2011. - 211 с.

³ Н.А. Шилова, Оптимизация бухгалтерского учета на малых предприятиях аграрного сектора экономики. Автореферат. Ставрополь 2006 г.



балки, чорвачилик, маҳсулотни қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа соҳалар билан ҳам шуғулланмоқдалар. Улар бу жиҳатдан кичик агросаноат мажмуаси мақомига эга бўлмоқдалар.

Демак, бундай хўжаликларда хўжалик фаолияти натижалари кўрсаткичлари ҳам турлича ифодаланadi. Шу жиҳатдан уларда ҳисоб ва бирламчи назоратни ташкил этиш ва юритиш ҳам тубдан фарқ қилиши табиий. Бу ҳолатлар фермер хўжаликларини ишлаб чиқариш хажми ва кўлами бўйича гуруҳларга ажратиб табақалаштириш заруратини туғдиради. Чунки, фермер хўжаликларида умумий натижа самарадорли бўлгани билан, унга таъсир этувчи омилларнинг айримлари самарасиз бўлиши мумкин. Шунини инобатга олиб фермерлар ўз фаолиятларини баҳолашда ҳар бир тармоққа алоҳида эътибор қаратишлари зарур. Бу эса бухгалтерия ҳисоби олдига бир қатор вазифаларни юклайди, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг мавжуд объектлари бўйича ҳисобни ташкил этишни талаб этади.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ўз вақтида ташкил этиш ва уни устидан назорат қилиш ҳамда вақти-вақти билан хўжалик фаолияти таҳлил қилишни талаб этмоқда. Чунки, хўжалик истиқболини бош омилларидан бири бўлган фойда кўрсаткичига, яъни рентабелликка алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Хўжалик фаолияти самарадорлигини таъминлаш доимо долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Хўжалик жараёнларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш самарадорлик кўрсаткичларини яхшилашнинг бош омили сифатида қараш мумкин.

Иқтисодийни, шу жумладан уни бошқариш воситаларидан бири бўлган бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш, ҳисоб тизимига тубдан ўзгартиришлар киритди. Иқтисодий ислохотлар натижасида соҳага оид меъёрий ҳужжатларни қабул қилиниши, бухгалтерия ҳисобини солиқ ҳисоби билан уйғунлашишига, бу эса ҳисоб ишларини бир мунча енгиллаштирганига алоҳида урғу беришга ҳақлимиз. Буни самарасини кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобини соддалаштириш юзасидан қилинган ишлашда ҳам кўришимиз мумкин. Бу ўз навбатида маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қодирхонов С.Б., Жуманиёзов К.К. Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлари асосида ташкил этиш асослари. Тошкент, 1994 йил
2. Бобожонов О. Молиявий ҳисоб. “Шарқ”, Тошкент, 2000 йил.
3. Пупко В.А. Учет производства и калькулирование себестоимости продукции в условиях агробизнеса: учеб. пособ. – М.: ИНФРА-М, 2010.
4. Алборов Р.А. Управленческие аспекты бухгалтерского учета и контроля в сельском хозяйстве / Р.А. Алборов, И.П. Селезнева, И.А. Селезнева. - Ижевск: Шеп ("Колос"), 2011. - 211 с.
5. Н.А. Шилова, Оптимизация бухгалтерского учета на малых предприятиях аграрного сектора экономики. Автореферат. Ставрополь 2006 .
6. Mamazhonov, A. T., & Eraliev, A. A. (2022). PROFESSIONAL ACCOUNTING AND PROBLEMS OF FINANCIAL ACTIVITY (LOSSES) IN JOINT STOCK COMPANIES.



- World Economics and Finance Bulletin, 9, 132-134.
7. Mamazhonov, A. T. (2020). CONCEPTUAL ISSUES OF ACCOUNTING FOR FINISHED GOODS IN THE AUTOMOTIVE INDUSTRY. *Theoretical & Applied Science*, (12), 373-376.
 8. Мамажонов, А. Т., Юлдашев, Б. Т., Фозилжонов, И. С., & Эркинбоев, М. Р. (2016). Вопросы оценки нематериальных активов и их классификация. *Экономика, социология и право*, (6), 22-26.
 9. Мамажонов, А. Т., Фозилжонов, И. С., Хакимов, Ш. Т., & Исамов, С. М. (2016). Учет затрат на осуществление производственной деятельности фермерских хозяйств в условиях рыночной экономики в Узбекистане. Издательство "Научное обозрение".- Наука и мир.-Волгоград, 2(1), 35.
 10. Mamazhonov, A. T. (2022). The Main Aspects of the Analysis of Costs on Production in Farming Facilities. *Middle European Scientific Bulletin*, 22, 91-93.